

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш” лойиҳаси бўйича маълумот

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 сентябрдаги ПҚ-381-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Осиё тараққиёт банки ўртасида 2022 йил 3 ноябрда 150,0 млн. АҚШ доллари миқдорида Қарз битими имзоланган.

Кутилаётган мақсад:

Лойиҳа доирасида жами 192 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 100 минг, Хоразм вилоятида 29 минг, Бухоро вилоятида 44,1 минг ва Сурхондарё вилоятида 18,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланади ҳамда қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиққан жами 10 минг гектардан зиёд ер қайта фойдаланишга киритилади.

Лойиҳа 2 та босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич:

Бухоро вилоятида (*“Жондор” ва “Шахрислом” каналлари*):

27,5 км узунликдаги канал бетонлаштирилади;

74 дона гидротехника иншооти қайта тикланади.

Сурхондарё вилоятида (*“Боботоғ” ва МК-1-1 каналлари*):

20,6 км узунликдаги канал бетонлаштирилади;

59 дона гидротехника иншооти қайта тикланади.

Иккинчи босқич:

Қорақалпоғистон Республикасида (*“Кегейли” ва “Қуйи кегейли” канали*):

52,3 км узунликдаги канал бетонлаштирилади;

106 дона гидротехника иншооти қайта тикланади.

Хоразм вилоятида (*Р-8 ва “Остона” каналлари*):

33,6 км узунликдаги канал бетонлаштирилади;

77 дона гидротехник иншоотлар қайта тикланади.

Биринчи босқич бўйича халқаро тендер савдолари асосида Пудратчилар аниқланиб, 32 млн. долларлик қурилиш шартномалари имзоланди. “Жондор” ва “Боботоғ” магистрал каналларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.



Бугунги қадар умумий узунликда 67,5 км канал реконструкция қилинди, шундан 17,5 км қисмида бетон ётқизилди. 87 дон гидротехника иншооти руқонструкция қилинди ва қурилди. 2179,7 минг м³ тупроқ ишлари ва 63,7 минг м³ бетон ишлари бажарилди.

Консультант томонидан лойиҳанинг 2-босқичини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги “Кегейли” ҳамда Хоразм вилоятидаги Р-8 магистрал каналларини модернизация қилиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (ТИА) ишлаб чиқилди. ТИА белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идораларга хулоса олиш учун киритилган.

Шу билан бирга “Кегейли” ва Р-8 магистрал каналларини модернизация қилиш бўйича Тендер ҳужжатлари ва Ишчи ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари лойиҳа доирасида қайта тикланадиган барча канал ва иншоотларга сувни автоматик бошқарувчи замонавий SCADA тизими ўрнатилади.

Ўтказиладиган тадбирлар натижасида “Жондор” каналининг сув ўтказиш сиғими 88 фоизга (амалда 78%), “Боботоғ” каналида 89 фоизга (амалда 78%), “Кегейли” каналида 95 фоизга (амалда 70%), Р-8 каналида 95 фоизга (амалда 71%) кўтарилади.

Каналларда электр энергияси тежалиши натижасида (соатига 140 млн. кВт. дан 84 млн. кВт. гача ёки 40 фоизга) йиллик эксплуатация харажатлари 45 млрд. сўмга қисқаради.

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган барча тендер танловлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги харидлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига биноан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайти ва бошқа интернет расмий саҳифаларига жойлаштириш орқали амалга ошириш тизими йўлга қўйилган.